

ВОЛКОВ-НИКОЛАЕВ: МАШҲУР ИККИ РАНГТАСВИР ТАРИХИ

Алимкулова Дилзода Райимкуловна

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва

дизайн институти,

Санъатшунослик фанлари фалсафа доктори (PhD)

dilaalimkulova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Марказий Осиё тасвирий санъатининг миллий бадиий мактаби шаклланиши асосчиларидан бўлган Александр Волковнинг “Анорли чойхона” ва Александр Николаевнинг “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” деб номланган машҳур асарлари таҳлили ва тақдири ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *тасвирий санъат, рангтасвир, бадиий мактаб, Александр Волков, Александр Николаев, “Анорли чойхона”, “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик”, Давлат Третьяков галереяси.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется и рассматривается судьба двух самых известных произведений, основоположников национальной художественной школы Центральной Азии Александра Волкова и Александра Николаева, “Гранатовая чайхана” и “Дружба, любовь, вечность”.

Ключевые слова: *изобразительное искусство, живопись, художественная школа, Александр Волков, Александр Николаев, “Гранатовая чайхана”, “Дружба, любовь, вечность”, Государственная Третьяковская галерея.*

ABSTRACT

This article analyzes and examines the fate of two of the most famous works of the founders of the national art school of Central Asia, Alexander Volkov and Alexander Nikolaev, “Pomegranate Teahouse” and “Friendship, Love, eternity”.

Keywords: *fine art, painting, art school, Alexander Volkov, Alexander Nikolaev, “Pomegranate Teahouse”, “Friendship, love, eternity”, State Tretyakov Gallery.*

КИРИШ

Марказий Осиё тасвирий санъати деганда кўпчиликнинг тасаввурига иккита рангтасвир асари келади. Булар: Александр Волковнинг “Анорли чойхона” ва Александр Николаевнинг “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” асарларидир. Бу икки асар шу қадар машҳурки лекин иккаласининг тақдири турлича.

XX асрнинг 20–30-йиллардаги рассомлар ижоди тасвирий санъатнинг янги услубларини излаш ва аср бошидаги Европа санъатига хос бўлган бадиий

ифодани акс этувчи авангардни ифодаловчи асарлар орқали кўрсатилган. Уларнинг ижодлари жуда индивидуал ва бетакрор эди. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида Александр Волков номи бир аср ўтса-да, ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. А.Волков нафақат тасвирий санъатда балки шеърятда ҳам кўп бўлмаса-да ёрқин сатрлари орқали маълум. Рангтасвирда ҳаёт ҳақиқатларини нақшинкор меъморлик, амалий санъат безаклари, миниатюра бадий анъаналаридан озуқа олган ҳолда миллий ўзига хослик муаммоларини ечишга ҳаракат қилган. Булар айниқса, ранг ва шакллар ифодасида ўз аксини топган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Маълумки, Джон Боултнинг “Александр Волков. Солнце и караван” албом китобидаги кириш мақоласи муаллифи томонидан А.Волков ижодининг мураккаблиги яъни ўз Ватани Ўзбекистоннинг маҳаллий анъаналари, колорити билан жаҳон санъати ҳисобланган символизм ва кубофутуризмни уйғунлиштира олганлиги ва оқибатда совет ҳукумати томонидан қоралангани айтилган. А.Волков ижодий йўлининг бошидан то сўнггига қадар услубий рангбарангликлар ҳақида кенг ёритилган. Мавзуга доир яъни манзара жанридаги кўп асарлар яратишининг сабаби куршаб турган фазони яхши ҳис этиши, жумладан рассомни ҳаёт ва саёҳатлар, чўл, туялар, туш пайтидаги куёш, хордиқ ва чойхоналарни маҳорат билан ишлашига туртки бўлганлиги таҳлил этилган. Волков манзараларида символистлардан фарқли харобазорлар тонг сахарда, кундуз ҳам эмас кеч ҳам бўлмаган вақтларда ёзилгани айтиб ўтилган.

М.Тўхтаевнинг “Ўзбекистон рассомлари: замон ва тақдирлар”. XX аср 20-40 йилларда монографиясида XX асрнинг 20-40 йиллардаги ижтимоий тарихи ҳақида ёритилган. Унда Ўзбекистон тасвирий санъатининг институтсионал тузилмаси, бадий ташкилотлар, кооперативларнинг ташкил қилиниши, шунингдек, 30-40 йилларда совет ҳукумати томонидан тасвирий санъат усталарига ўрнатилган мафкуравий назорат масалалари, қатағон сиёсати очиб берилган. Ўзбекистон ва Россия архивларидаги маълумотлар асосида рассомларнинг кундалик ҳаёти ва ижоди очиб берилган.

А.Волковнинг иқтидори борасида 1920-йиллар танқидида бўёқларнинг ёрқинлиги, ритми яхши ҳис қилиш жараёнлари эътироф этилган. Рассом - “Қатор рангтасвир оқимларидан - футуризм, кубизм, экспрессионизмдан примитивизмга келдим. Учбурчаклар тизимини киритиб, оддий, лекин композициянинг мустаҳкам ифодавийлигига эришдим, бу цикл 1924 йили “Анорли чойхона” асари билан яқунланди. Бундан сўнг тоғ қишлоқлари, эски шаҳар мавзуларида ишлашга ўтдим” дейди. Рассомнинг юқоридаги иқдорига

қарамасдан икки йил давомида яратилган “Ўзбек байрами” асарида техник, ифодавийлик, колористик, мазмуний жиҳатдан бир пайтнинг ўзида ажралиб турувчи ва шу билан бирга илгариги тажрибаларини эслатувчи асар яратишга муваффақ бўлган.

Александр Николаев (Усто Мўмин) эса анъаналарнинг энг чуқур асосидан борди у эса бўлажак анъаналарни келтириб чиқарди ва ижодкор Ғарб ва Шарқни қай тарзда ижодда бирлаштиришни намойиш этди. Рассом Шарқ ҳаётини ўрганади, кўхна маҳаллаларда, тўй-томошаларда иштирок этади, афсоналардан, тарихдан, санъат асарларидан Туркистонни кашф эта боради. У Шарқни ўрганибгина қолмай, уни ўзига бутунлай сингдириб, ўзини эса унга бутунлай бахшида этади.

Мақола асосан таҳлилий, таққосий, фактологик методлар орқали ёритилган.

НАТИЖАЛАР

Маълумки, XI асрда шаклланган сўфизм тариқати халқ ҳаётига чуқур кириб борган. Сўфизм кўплаб шоирларни илҳомлантирган ва XX асрда унинг таъсирини Туркистон билан ижодини боғлаган кўплаб рус рассомлари ҳам ўтказдилар.

Александр Волковнинг “Анорли чойхона” асарининг сюжети олдинги асарлари каби суҳбат давоми сифатида ифодаланган. Олд планда йирик этиб, уч нафар сўфийлар яъни орифларнинг чўкка тушиб ўтирган ҳолатда, рухий тафаккурда тасвирланган. Орқа томонда ҳам уч нафар мусикачилар тасвири асосан учбурчаклардан ҳамда айлана шакллардан ташкил топган ҳолда ишланган. Олд томондаги персонажлар кичиккина дастурхон атрофида бўлиб, унда оқ чойнак тасвирланган. Чойнакда қизил рангдаги учта айлана шакл тасвирланган. Бу айланалар композициянинг юқори қисмларида ҳам такрорланади.

1920-йилларда А.Николаев (Усто Мўмин) рус икона тасвири ва Шарқ миниатюраси анъаналарини уйғунлаштириш билан машғул бўлади. У нафосат ва шу билан бирга жозибадор олам сифатида шарқона англашнинг ўз фалсафий ва бадиий концепциясини ифода этди.

Александр Николаев (Усто Мўмин) томонидан ишланган “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” асари композитор Алексей Козловскийга муаллиф томонидан совға қилинган. Совға қилиниши Козловскийнинг “Улуғбек” операсига постановка жараёнида (1942) бўлган бўлиши мумкин сабаби, операнинг сценографи ва костюм расмони А.Николаев эди. Асар кейинчалик шахсий тўпламга ўтказилган.

МУҲОКАМА

А.Волков, шу ерда туғилгани боис, ўша давр Туркистон рухий маконини ўзига сингдириб олган эди. “Анорли чойхона” асарида шаклларнинг курилишини геометрик планлар ва тасвирланувчилар юзларида олд ва ён томондан ифодалаш орқали рассом яна бир бор кубизм хақида эслатиб ўтган. Тасвирланган қиёфаларда санамнависликка хос бўлган масъум кўриниш бўлиб, уч асосий фигура бир-бирига энгашган ва чуқур рухий ҳолати ифодаланган. Фигураларни тасвирлашда учбурчаклардан унумли фойдаланилган. Картинанинг пастки ва марказий қисмидаги учта катта учбурчакларга асосий учта персонаж, юқоридаги кичикроқ учбурчакларда ҳам уч нафар мусиқачилар жойлаштирилган. Катта учбурчаклар фигураларга мосланиб турли бурчакларга кўйилган ва бу жойлашув ҳамда танланган қирмизи қизил ранг колорит композициянинг янада динамикага бойлигини келтириб чиқаришга хизмат қилган.

Асарда рассом ўрта асрлар анъанасини ҳамда ХХ аср бошидаги рассомларнинг авангард қарашларини уйғунлаштирган ҳамда жисмий ҳақиқатни рухий ҳақиқатга айлантиришга эришган. Марказдаги ва ўнг томондаги сўфийларнинг қиёфалари бутунлай ўйчан. Чап томондаги фигура эса фаолроқ бўлиб, унинг яримочиқ ҳолатдаги кўзида Аллоҳдан қурқув ҳисси сезилади. Персонажнинг кўлидаги пиёла ҳақиқатни бир қисми сифатида берилган. Картинада алоҳида ажралиб турувчи пиёланинг оқ ранги чойнакдаги пушти рангдан фарқли равишда илиқликни яъни дунёвий рангни бермайди аксинча, шакл орқали нурни ифодалашга интилган. Асарда умумий қизил ранг устунлик қилиб, қизил - ҳиссий билимлар рамзи сифатида ифодаланган. Асардаги образлар томошабиндан қочишга, қоронғуликка яъни асарнинг тубига кетади, уларнинг қиёфалари бўлиниб, улар кўринмас ва ирреал каби кўринади. У ерда тасвирланган деярли биланмас этиб ишланган беданалар эса бу дунё табиати инсонлар учун очилмаган тилсимдек берилган. Суртмаларнинг кўп қаватлилиги тасвирнинг янада чуқурлигига ишорадек тасаввур уйғотади.

А.Волков Ўзбекистон анъаналари ва қадриятларини чуқур ўрганган, ҳаётининг кўп қисмини Тошкентда ўтказган. Унинг яратган образлари қатори оддий бўлиб, асосан карвон ва чойхона, ташқи ва ички олам рамзларига қаратган. Шу йилларда рассом изланишлари уч йўналишда ривожланган бўлиб, булар: предметли дунё, инсон, уларнинг мутаносиблиги ҳисобланган. “Анорли чойхона” асарида эса шу йилларга қадар ишлаган картиналаридан фарқли инсонларда оддийлик кузатилмайди.

А.Волковнинг қахрамонлари бутунлай воқеага сингиб кетган, Туркистоннинг ҳақиқий аҳолиси гўёки бошқа дунё эшигига қараётгандек хис

уйғотади. А.Волков қайтадан кубизмни эслатиб ўтади ва унга кўра асар геометрик режалар асосида шакл қурилган. Образлардаги юз қиёфаси ва профиллар бирлашади, асарда учбурчаклар тизими жорий қилиниб, содда аммо кучли ва ифодали композицияга эришилган.

У ижодда муқим йўлини топиши учун кўп йиллик изланишлар олиб борган. Шарқда ҳар бир инсоннинг, аравалар, туяларнинг ҳаракатида сезиш мумкин бўлган ритм рассомнинг 1919–1927-йилларда яратган кўплаб асарларида тасвирланган. Ритмик жиҳатдан жойлаштиришлар (карвон, арава, муסיқачилар, эски шаҳар кўчаларидаги ҳаракатлар талқини) А.Волков ижодида кўзга ташланади. Рассом шакл, ранг ва буёқлар устида ишлаганида ҳар бир мавзуга, туркум ишларига эскизлар бажариб, унга ҳар томонлама ёндашиш учун ўша мавзуга қайта-қайта такрорий эскизлар ишлаганлиги, шулар натижаси ўлароқ бир неча йилги изланишлар орқали асосий туркумни яқунлаётиб, “Анорли чойхона” асарини яратганлигини, бу билан шаклий изланишлар даври яқунлангани ва рангтасвирда индивидуаллигини ва бадиий жиҳатдан усталикка асос яратганлигини” ўз мақоласида ёзган эди.

А.Волковнинг рангтасвир асосини ранг эгаллаган эди. Ўтказилган мафкуравий тазйиқ натижасида у ўз йўналишини ўзгартирса-да ранг бойлигини барибир сақлаб қолган ҳолда ижод этди.

Рассом ижодида инсонга нисбатан ифодавий бадиий талқин тамомила ўзгачадир. Шарқ рангтасвири авваламбор примитив ва рангтасвирона декоратив ибтидога асослангани сабабли у ўз ижодини примитив юзада тасвирлаб, учбурчак ва бошқа геометрик шакллардан иборат бўлган тизим асосига қуради ва инсонни талқин этишда энг содда шакл бўлган учбурчакдан фойдаланади.


А.Волков 1920-йиллардаги изланишларида Шарқ турмуш тарзига ва унинг тароватига бутун вужуди билан шўнғиб кетган. Паст уйлар, уларнинг ритмик изчилликда жойланиши, воқеа иштирокчиларнинг кенг панорамаси тўйинган ранглар воситасида ифода этилади. Асарда бутун бир яхлитликда шарқона ҳаёт кўриниши жонланади. у бутун мато юзаси бўйлаб, жонли, қайтарилмас, жўшқин ҳаёт тарзини акс эттирган. Уларда одамларнинг образли қиёфалари жонлантирилган. Мато ҳошиясидан ташқарига чиқариб юборилиши орқали кўп планли тасвирлар томошабинга яқинроқ олиб келинган ва шу услуб билан халқ ҳаётининг кенг панорамасини кўрсатишга эришилган. Асарнинг барча қисмларида ранг экспрессив, таъсирчан ҳолатни ифода этади. Шу рангин оламнинг жўшқинлиги, жозибаси бутун асар ички тузилишининг тўлақонли ва ҳароратли бўлишини таъминлаган. Тасвирдаги воқеаларнинг ҳар бир бўлаги

ўзига хос сюжет чизигига эга бўлса-да, уларнинг ҳаммаси яхлит равишда тасвир объектининг умумий тароватини, панорамасини гавдалантиради.

А.Волков Ўзбекистон ҳаётини яхши билар, юрагидан Шарқ инсонларини ва рангини севар, шу боис унга ўз ҳаётини бахшида этганди. А.Волков ўз ижодини Тошкентда бошлаб умрининг охиригача, деярли ярим аср тасвирий санъатда сермахсул ижод этди. Унинг яратган асарлари йирик музейлардан Рус Давлат музейи, Третьяков Давлат галереяси, Шарқ халқлари санъати музейи, Нукус Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейлари ва шахсий тўпламларда сақланмоқда ва намойиш этилмоқда. “Анорли чойхона” асари ҳам бугунги кунда Третьяков Давлат галереясининг шох асарлари қаторидан жой олган бўлиб, бу даврда ижод қилган рассомлар маҳоратини намоён этади.



Александр Волков.
Анорли чойхона.
1924 йил. Мато, мойбўёқ.
Третьяков Давлат галереяси.



Александр Николаев. Усто Мўмин.
Дўстлик, муҳаббат, абадийлик.
1928 йил. Ёғоч, темпера.
Маржоний фонди.

А.Николаевнинг Шарқ ва Ғарбга мурожаат қилиши нақадар мураккаб бўлса, унинг ижодидаги шартлилик ва реаллик ҳам шу қадар илғаб бўлмас даражада мураккабдир. Буткул шартли асарлар яратса-да, А.Николаев реал мавқеда турадики, натижада образлиликка кўра мутлақо ишонарли асарлар яратади. Усто Мўмин ижодида жанрлар ўртасида чегара йўқолиб кетгандек туюлади. Рассом бадий жараёнда янги турдаги образлар, мажозларни вужудга келтирди. Усто Мўмин академик таълимни пухта ўзлаштирган бўлса-да, Ўзбекистонда янги дастгоҳли санъат йўлидаги изланишларни халқ анъанавий санъати бўлмиш миниатюра билан боғлади. У асрлар давомида қарор топган бадий шаклларнинг ифодавий воситаларидан мафтун этувчи шарқона шеърятни топишга ҳаракат қилди. Шунинг учун рассом Ўрта Шарқ миниатюрасини нафақат ҳайрат ва тақлид қилиш манбаси сифатида, балки

миллий-специфик шеърятнинг ўзига хос “лабораторияси” сифатида қабул қилар эди. Уни ўрганиш ижодкор учун кутилмаган оригинал ижодий топилмаларни берар ва янги шакл ҳосил қилувчи имкониятларни очар эди.

Усто Мўминнинг нозик эстетик ҳиссиёти, пластик маданияти ва интуицияси асарларда миниатюра, қадимги рус санамнафислиги ва илк италян рангтасвири каби турли пластик тизимларда даврий принципларни уйғунлаштиришга ёрдам берди ва янги “ретроспективизм” йўналишига асос солди. “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” асарида рассом этнографик чизиқлар билан бир қаторда эмоционал тўйинган, психологик ва индивидуал хусусиятларга бой ёшу қари образларини ифодалайди. Рассомнинг гапларига қараганда бу асар қуйидаги воқеа ҳақида сўзлайди. Бир шаҳарда икки ўспирин яшаган бўлиб, улар бир биридан ҳеч ҳам ажралмас эканлар. Бир куни дўстлардан бири узоқ сафарга кетиб қайтиб келмаган. Иккинчи ўспирин дўстини узоқ кутиб, охири уни излашга отланган. Жуда кўп қийинчилик ва синовларни бошидан ўтказиб, ниҳоят ўз дўстини топишга муваффақ бўлган. Асарда олд пландаги икки нафар йигитнинг нигоҳлари, яхлит юз қиёфаси елкаларига қадар тасвирланган. Ўзбек йигитларининг офтобдан қорайган юз ифодасидаги нозиклик, қиёфасидаги чизиқлар нафислик билан йўғрилган. Усто Мўмин Шарққа хос шеърятни образдаги гармоник мутаносиблик, симметриклик, назокатлилик орқали топишга ҳаракат қилган. Тасвирланувчининг қиёфаси елкага қадар, асар рамасини тўлдирган ҳолда катта қилиб ишланган. Унинг ҳиссийлигини ошириш мақсадида колоритни тўйинган ранглар орқали пайдо қилади. Ихчам композицияларда бутун диққат-эътибор киши юзига, унинг ҳиссиётига жамланиб, маиший турмуш буюмлари шунчаки тасвирланади. У ҳиссий, маънавий асарларда миллий колоритни ифодалай олган. Унинг қизиқишлари этнографизмдан бутунлай холи. Рассом асосан инсонга, унинг жисмоний ва ахлоқий гўзаллигига қизиққан ва ифодалаган. Асардаги икки ўспирин йигитнинг чап томон қора рангдаги меъморий равоқ фониди эса икки нафар қария образи ифодаланган. Қарияларнинг нигоҳлари ўспирин йигитларга қаратилган. Асарда гўёки нигоҳлар орқали бутун ҳаёт йўли очиб беришга эришилган. Қарияларнинг ён томонида эса равоқ остидан ёруғликда қабристон тасвири берилган. Қабрлар тепасидан эса лайлак учиб ўтмоқда. Лайлак эса муҳаббат ва вафодорлик рамзи сифатида ифодаланади. Асар композициясидаги жойлашув орқали асосан умр йўлини қисқалигини кўрсатишга яъни, ўсмирлик, қариллик ва абадий дунёга қаратилган. Барчаси бир картина ичида жойлашганлиги умр йўли тез ўтиб кетишига ишора қилаётгандек ҳиссиёт

уйғотади. Энг асосийси, кичиккина бир ҳажмда умр йўлини рамзлар, метафора, образлар орқали очиб беришга эришган.

ХУЛОСА

А.Николаев ажойиб мўйқалам устаси эди, унинг ижодида чизма-асос ва нур билан соянинг жиддий тонал ишлови устун туради. Николаев Шарққа шунчалик маҳлиё бўлган эдики, у ҳатто исломни қабул қилиб, ўзига Усто Мўмин деган тахаллус танлаганди. У нафосат ва шу билан бирга жозибакор олам сифатида Шарқни англашнинг ўзига фалсафий ва бадий концепциясини яратди.

Марказий Осиё тасвирий санъатининг миллий бадий мактаби шаклланиши асосчиларидан бўлган Александр Волковнинг “Анорли чойхона” асари Третьяков Давлат галереясида ва Александр Николаевнинг “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” асари ҳозирда Маржоний фондида сақланиб келинмоқда. Бу икки машҳур рассом ва икки шох асарларнинг тақдири Ўзбекистон билан яъни асарлар яратилган Ватан билан боғланмагани мазкур мақолага қўл уришга туртки бўлганини таъкидлашни истар эдик.

Александр Николаевнинг “Дўстлик, муҳаббат, абадийлик” асарида рангни нозик ҳис қилишда катта қобилиятга эга бўлган, муайян маънода ранг жиҳатдан жозибали меъморий манзара фонидида гавдаларни ҳажмдор, қиёфали ва эгилувчан чизиқларга бой мураккаб ҳолатлар ва хатти-ҳаракатларда идрок эта олган, маҳорати кучли, ижодий имконияти кенг ва фантазияси ўткир мусаввир қўли сезилиб туради. Асарда икки ўспирин гавдасининг пластик ва руҳан ҳамоҳанг ифода этилиши катта мактаб ўтаган, Европа, хусусан, Италия Уйғониш даври рассомлари тажрибасини ўзига сингдираган рассом маҳоратидан дарак беради. Муайян муҳит, шу муҳитда тасвирланган воқеа кечими ўзига хос маконда ифода этилган. Композицияга асос қилиб олинган бадий ғояни юзага чиқаришга хизмат қилади. Воқеа меъморий равоқлар ичида ишланганлиги, бу муҳит шартли равишда асар мазмунига монанд танланганлиги, манзара ва ёш дўстлар қалбидаги уйғунлик рассомнинг юксак маҳорат мактабини эгаллаганлигидан нишонадир. Бу асарда муаллифнинг Шарқ ҳақидаги эстетик қарашлари ва тушунчалари паришонхотирлик, ички дард-алам билан алмашади. Ушбу асарда мазмунни юзага олиб чиқишда танланган ранг гаммаси, унинг катта маҳорат билан ишлаб чиқилганлиги ва колористик ҳарорат рассомнинг юксак маданиятидан, маҳорати тинмай ортиб бораётганидан далолат беради. Рассом ҳар бир ҳаётий мотивни юзага ёрқин олиб чиқадиган муҳит ва композицион услубни, образлар ҳолатини яхлит ва яққол ифодаловчи вазиятни танлай олган. Рассом асарида Шарқни майин,

шоирона рух, енгил кайфият билан ифодалаб, афсонавий, эртакнамо образлар яратади. Бу образлар бадий қаҳрамонлар сиймосида таассурот қолдиради. Рассомнинг юксак техник маҳорати ва руҳий-маънавий маданияти мазкур тасвирий санъат асарларининг юксак савиясини таъминлайди, ўзига хос эстетик дунё ва бетакрор олам яратади.

REFERENCES

1. (ORCID 0000-0003- 3586-766X).
2. Alimkulova, D. (2021). Painting: creative source for contemporary art. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 975-980.
3. Kultashev, B., Sadikova, S., & Kultasheva, N. (2021). Development of portrait of Uzbekistan during the early 20th century. *Melbrun. Australia. Swinburne University of Technology.*–2021.
4. Култашева Н. Development of portrait of Uzbekistan during the early 20th century. *Journal of Contemporary Issues in Business and government*. Vol.27 https://cibg.org.au/article_9884.html
5. Джон Боулт. Александр Волков. Солнце и караван. Альбом. Москва. 2007.